Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 14-may, seshanba
№ 59 (14550)

ХАЙР "УМИД НИҲОЛЛАРИ", АССАЛОМ, "УНИВЕРСИАДА"!

Мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" республика спорт мусобақалари тугади, аммо унинг таассуроти, ёшларимиз кўнглига солган бекиёс ғайрат-шижоати, эзгу орзулари давом этмокда ва ҳали яна узоқ вақтгача давом этади.

Мазкур мусобақа, яъни кенг қамровли оммавий спорт ҳаракати қарийб олти миллион нафар ёшларни қамраб олганининг ўзиёқ унинг нақадар зарур ва ҳаётий тадбир бўлганини кўрсатади. Ёшларнинг фойдали, мазмунли, самарали машғулот билан банд бўлганликлари энг катта ғалаба, энг катта ютуқ эмасми?! Шу мусобақалар туфайли қанчадан-қанча ёш йигит-қизлар спорт билан бир умр ошно бўлиб қолдилар. Спорт эса ёшларимизнинг соғлом, мард ва жасур, ватанпарвар бўлиб вояга етишларида муҳим омилдир.

Яқинда бир гуруҳ ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда улар кейинги пайтда хотирада қоладиган энг ёрқин воқеалардан бири сифатида "Умид ниҳоллари" мусобақаларини эътироф этишди.

Бу бежиз эмас. "Умид ниҳоллари" нафақат мактаб ёшидаги йигит-қизлар, балки улардан бир қадар каттароқ ёшларнинг, ҳатто ота-оналарнинг ҳам ҳаётидан, қалбидан мустаҳкам жой олди. Чунки иштирокчилар-у, уни кузатиб борганлар мусобақанинг умумий руҳидан, кўтаринки кайфиятда ўтганлигидан қониқиш ҳосил қилдилар, айни пайтда кўнгилларда улкан ғалабаларга бўлган умид, ишонч уйғонди. Бу — ёшларнинг ўз қобилиятига, ўз имкониятига бўлган ишончдир. Ёшлар ўз тенгдошларини, бир-бирларини кузатиб, мусобақаларда қўлга киритилган натижаларни таҳлил этиб, ғурурланиш билан бирга моддий томондангина эмас, энг муҳими, маънавий жиҳатдан ҳам рағбатландилар. Бу эса уларда келажакда худди шундай натижаларга, спортда, ҳаётда эришиш умидини, орзусини уйғотади. Боиси, бу фақатгина спорт мусобақалари эмас, ақллар, билимлар, интеллектуал салоҳиятларнинг ҳам ўзига хос беллашувига айланди.

Сир эмас, айрим мактабларда жисмоний тарбия дарсларига етарлича эътибор берилмайди. Жисмоний тарбияга гўёки жуда ҳам муҳим бўлмаган фан сифатида қаралади. Баъзи бир ота-оналар ҳам фарзандлари спортнинг бирор бир тури билан шуғулланишини вақтни беҳуда ўтказиш, дея қабул қилишади.

— "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини кузата туриб, - дейди фарзандлари юқори синфларда ўқиётган Эргаш Болтаев, - амин бўлдимки, спорт болаларни тарбиялашнинг, тўғри йўлга етаклашнинг ўзига хос воситаси экан. Спорт орқали болалар ва ўсмирларда ўз қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, уларни яхши одам қилиб тарбиялаш мумкин. Энди мен болаларим нафақат мактабда яхши ўқиши, балки "Умид ниҳоллари"нинг навбатдаги мусобақаларида иштирок этиши учун ҳам ҳаракат қиламан.

Бугунги кунда фарзандларининг келажагини "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари билан боғлиқ ҳолда кўраётган ота-оналар оз эмас.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда спорт кенг қулоч ёйди, тез ривожланди. Бирор бир ҳафта йўққи, юртимизда спорт мусобақаси ўтказилмаса ёки спортчиларимиз бирор бир халқаро мусобақада иштирок этиб қайтишмаса. Спорт Ватанимиз номини, шуҳратини оламга ёйди ва ёймоқда. Айниқса, болалар, ўсмирлар, ёшларнинг спортга кенг жалб этилиши эртанги кунда юртимиз довруғини оламга ёядиган навқирон авлодни тарбиялашда ғоят муҳимдир.

Мамлакатимизда бир неча йилдан буён ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб этиш Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури асосида яратилган ягона тизимга кўра амалга оширилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан яратилган бундай спорт тизими бугунги кунда ўзини тўла оқлади. Ёшларни жисмонан ва маънан етук инсонлар сифатида вояга етказиш борасида олиб борилаётган ишлар ёшларнинг катта қизиқишини уйғотди. Чунки бу саъй-ҳаракатлар ҳаётийлиги билан ёшлик интилишларига, орзуларига мос келади.

Умумий таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари", академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод", олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" спорт ўйинларини ўтказиш анъанавий тус олди. Бу мусобақалар фақатгина ёшларимизнинг эмас, балки бутун халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос байрамга айланди. Байрам дейишимизнинг боиси, унда минг-минглаб юртдошларимиз кўтаринки кайфият, яхши ният, эзгу мақсад билан иштирок этдилар. Уч босқичдан иборат мазкур спорт мусобақаларининг ҳар бири бутун мамлакатимиз ҳаётида чинакамига катта воқеага айланди.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

Тез кунларда Бухорода "Умид ниҳоллари"нинг мантиқий давоми бўлган олий ўқув юртлари талабалари ўзаро куч синашадиган "Универсиада" мусобақалари бошланади. Ёшларимизнинг ҳаётига соғлом турмуш тарзини олиб кирадиган бундай мусобақалар давом этади...

Салим АШУРОВ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР – ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида кимё фанидан ўтказилган халқаро беллашувда Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган мактаб-интернат 11-синф ўқувчиси Раҳмон Эгамбердиев бронза медали ва учинчи даражали дипломга сазовор бўлди. У энди юртимиздаги ўзи истаган олий билим даргоҳига имтиҳонларсиз талаба бўла олади.

Арманистоннинг Ереван шаҳрида рус тили бўйича ўтказилган халқаро танловда ғолиб чиққан юртдошимиз ҳам наманганлик. У - Наманган шаҳридаги 49-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Илвина Шайхуддинова. У ҳам энди Россия Федерацияси ёки юртимиздаги исталган олий ўқув юртига синов имтиҳонларисиз кириш ҳуқуқига эга бўлди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида ғолиб ўқувчилар, уларнинг устозлари ва ота-оналари билан бўлган учрашувда вазир Р.Жўраев ғолибларни юксак муваффақият билан қутлар экан, мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонлик ёшларнинг турли фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда ғолиб чиқаётганлиги — Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган ва изчил амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўзининг ажойиб самараларини бераётганидан яна бир далолатдир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

КАМАЛАК ЖИЛОСИ - БОЛАЛАР РАСМЛАРИДА

Пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган республикамиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида "Камалак жилоси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу кўргазма ҳар йили ўтказилиб келинади. Қорақалпоғистон Республикасидаги 1-меҳрибонлик уйининг 12 ёшли тарбияланувчиси Равил Бакиров ўз ишини "Менинг Ватаним" деб номлаган. Ёш рассом чизган расмда жонажон диёримизнинг гўзал табиати акс эттирилган.

Кўрик-танлов Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Фан ва таълим маркази, Республика Бадиий академияси ҳамда бадиий кўргазмалар дирекцияси ҳамкорлигида Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси доирасида ўтказилди. Кўргазманинг очилиш маросимида республикамизнинг қатор вазирликлари ва жамоат бирлашмалари раҳбарлари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий дипломатлар, "Соғлом авлод учун" жамғармасининг ҳамкорлари - хорижий фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Кўргазмада 100 га яқин ишлар, яъни болалар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи пейзажлар, натюрмортлар, сюжетли расмлар, эртакларга битилган безаклар, шунингдек, ёш усталар тайёрлаган саватлар, ёғоч ўймакорлиги намуналари, турли хил ип ва қоғозлардан тайёрланган буюмлар намойиш этилган. Ҳайъат аъзолари Тошкент вилоятидаги 125-ихтисослаштирилган интернатнинг олтинчи синф ўқувчиси Равшан Уздибоевни расмлар номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топишди. Амалий санъат танловида эса Андижон вилоятидаги 2-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Олия Мирбобоева ғолиб бўлди.

Шунингдек, кўргазма доирасида Тошкентдаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида энг яхши болалар расми танлови ҳам бўлиб ўтди. Болалар шу ернинг ўзида томошабинлар кўз ўнгида расм чизишди. Ушбу танловда пойтахтимиздаги 23-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дилдора Аҳмедова биринчи ўринни эгаллади.

Танлов иштирокчиларини уларнинг тенгдошлари - Ўзбекистон болалар ижодий жамоаларининг хонанда ва раққосалари қутлаб, концерт намойиш этди.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви раиси О.Мусурмонова ва Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев танлов ғолибларини табриклади. Энг яхши асарлар муаллифларига дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, танловнинг барча иштирокчилари тадбир ташкилотчиларининг совғаларига эга бўлди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Ўн етти кабутар



Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Жиззах вилоятида Ватанимизнинг жанубий ҳудудларини қўриқлаш чоғида ҳалок бўлган 17 нафар ҳарбий хизматчилар хотирасига ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Суратларда: Ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросимидан лавҳалар.

Абдуғани ЖУМАЕВ олган суратлар

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш, футболни янада ривожлантириш муносабати билан Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида "Умар Умрзоқов хотирасига" мактаблараро турнирининг туман финал босқичи ўтказилди. Ушбу турнирда тумандаги мавжуд 53 та мактабнинг ўқувчилари иштирок этишди. Кўтаринки руҳда ўтказилган турнир якунига кўра 1-ўринни 12-мактаб ўқувчилари қўлга киритишди.

Ғолиб жамоалар ҳамда фаол иштирокчилар ташкилотчи ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Турнир туман ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, "Оҳангарон" ширкат хўжалиги ҳамда туман Халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ўтказилди.

Раъно РАҲМЕТОВА

* * *

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Амударё туман Кенгаши маҳаллаларда ҳашар йўли билан ёшлар учун спорт майдончалари барпо этишни бошлади. "Ойбек" маҳалласида ташландиқ бўлиб ётган 0,8 га ер текисланиб, футбол майдони барпо этилди ва атрофига 200 метр ариқ қазилиб, кўчатлар экилди.

Шунингдек, "Бойовул" маҳалласида янги маданият саройи ёнида волейбол майдончаси барпо этилди.

Қуриб битказилган иккала спорт майдончаси туман фаоллари иштирокида ёшларга топширилди. Шу куни бу спорт майдончаларида спортнинг футбол ва волейбол турлари бўйича "Камолот" кубоги ўтказилди. Унда тумандаги мактаблар жамоалари спортнинг ушбу турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ғолиблар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Амударё туман Кенгаши томонидан тайёрланган фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланди.

Пўлат МИРЗАҚУЛОВ

ҲАВАСКОРЛАР «ҲАВАС»И

Муҳаммад АМИН олган суратлар

Юртимизда теннис бўйича, нафақат профессионал спортчилар, балки ҳаваскорлар ўртасида ҳам кўплаб мусобақалар ўтказилиши маълум. Ҳаваскорлар ўртасидаги ўзига хос мусобақалардан бири раҳбар ходимлар иштирокида ўтказиладиган "Ҳавас" турниридир.

Тошкент теннис марказида анъанавий "Ҳавас" турнирининг республика босқичи якунланди. Еттинчи маротаба ташкил этилган ушбу мусобақада вазирликлар, ташкилот ва компаниялар раҳбарлари ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакилларидан иборат жами 110 киши яккалик ва жуфтлик баҳсларида ғолиблик учун куч синашди.

Жуфтлик баҳсларида Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов ва Наманган "Телеком-Тек" ҳиссадорлик жамияти директори Омон Носировлар жуфтлиги ғолиб чиққан бўлса, якка тартибда муросасиз ўтган ўйинлардан сўнг ғалаба Андижон вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Эркин Жумабоевга насиб этди.

Бу йилги турнирнинг аввалгиларидан фарқи шу бўлдики, унда илк маротаба қатнашган оилавий иштирокчилар кўпчилик томонидан алоҳида мамнуният билан эътироф этилди. Турнирнинг "Ягона мақсад йўлида" номли соврини ана шундай ҳамжиҳат жуфтлик — Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Артур Пуга ва унинг рафиқаси Тамара Пугаларга топширилди.

Ўзбекистон теннис Федерацияси таъсис этган "Энг самимий ўйин учун" соврини турнирнинг жуфтлик баҳслари ғолиблари — Наманган вилояти ҳокими Тўлқин Жабборов ва Омон Носировларга насиб этди. Тўлқин Жабборов совринларни мамнуният билан Тошкент теннис марказида шуғулланаётган энг иқтидорли ёшларга топширмоқчи эканлигини айтганида иштирокчилар бу фикрни олқишлар билан кутиб олишди. "Turkiston" газетаси таъсис этган "Энг навқирон ўйинчига" соврини эса турнирнинг энг ёш вакиллари — Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Музроб Бўронов ва унинг жамоадошига насиб этди.

Алимардон РАҲМАТОВ

- Ёшлар бўш вақтларини қандай ўтказишяпти?
- Университетга бормасдан туриб ҳам диплом олиш мумкинми?
- Қизлар идеалидаги йигитга айланишни хоҳлайсизми?
- Кимлар кўпроқ китоб ўқишади: қизларми ёки йигитлар?
- Кумушбибининг Отабегини хаёлан севиб қолган қиз...

НАФАС ОЛИШНИНГ ЎЗИГИНА ТИРИКЛИКНИ АНГЛАТМАЙДИ

"Ёшликда олган билим худди тошга ўйилган нақш кабидир" дейилганида йигит-қизлар қалбини ёшликда ўткинчи ҳою-ҳаваслар билан эмас, аксинча илм-маърифат нури билан чароғон этишлари муҳимлиги таъкидланади. Нафас олишнинг ўзигина тирикликни англатмайди. Мана ҳазрат Навоий вафот этганига беш аср бўлибдики, ҳамон у тирик. Хулоса шундай, бирон бир илм ёки ҳунарни ўрганиб, атрофдагиларга нафи теккан одамнигина тирик ҳисоблаш мумкин. Хўш, бугунги замон ёшларининг ҳаммаси ҳам илм-маърифат келажак ҳаётида йўлчи юлдуз эканлигини юракдан ҳис этишаяптими? Тошкент Давлат Аграр университети талаба ва магистрантлари билан ўтказган давра суҳбатимиз мавзусини ана шу муаммога бағишладик.

Хуршида НАЗАРОВА — иқтисодиёт факультети биринчи курс талабаси, "Иқбол" кўрик-танлови ғолибаси:

— Университетга ўз хоҳишингиз билан кирганмисиз?

— Ўзимнинг ҳам, ота-онамнинг ҳам хоҳиши билан ўқишга кирувдим. Тўғрисини айтганда, бошида ўқишга кириш ниятим йўқ эди. Аксинча, ишлаш истаги менга кўпинча тинчлик бермасди. Сабаби, мен республика илмий, таълим, тажриба мажмуаси лицейидан ҳисобчи мутахассислиги бўйича сертификат олгандим. Лицейни тугатгач, бир йил мобайнида ширкат хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишладим. Ўшанда билимимнинг пастлиги иш жараёнида кўпинча менга панд берарди. Менда ўқишни давом эттириш истаги пайдо бўлди, ота-онамга айтувдим, қарши чиқишмади, қўмаклашишди.

— Қайси ҳунарларни эгаллагансиз?

— Жудаям кўп. Тикувчилик, инглиз тили, компьютер, пазандачилик сертификатларини олганман. Шунингдек, ўзбек мумтоз қўшиқларига рақс туша оламан. Табиат манзараларини акс эттирган расмларим билан танловларда қатнашаяпман. Университет қизлари ўртасида ўтказилган "Иқбол" кўрик-танловида ҳам ғолиблик менга насиб этди. Бу менинг истеъдодимга берилган муносиб баҳодир.

— "Ўтган кунлар" асарини ўқиганмисиз?

— Ҳа, айниқса Кумушбибининг тақдирига ачиниб, эрталабгача йиғлаб чиққанман. Кўзларим қизариб кетган. Ўшанда хаёлан Отабекни севиб қолгандим. Ҳалиям Отабегимни излаяпман.

— Кутубхонага қизлардан кўра йигитлар кўпроқ боради, дейишади?

— Йўқ, аксинча йигитлардан кўра, кўпроқ қизлар кутубхонага боришади. Чунки улар елкасига оила юки эрта тушишини билади ва шунга доимо тайёр туришади.

— Дугоналарингиз билан йиғилиб турасизларми?

— Туғилган кун, байрамларда... Аммо мен вақтим йўқлиги учун кўпинча боролмай қоламан.

— Агарда айтиш мумкин бўлса, қизлар бўлажак умр йўлдошини қайси жиҳатларига қараб танлайди?

— Бу борада қизларни бир неча тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифадагилар йигитининг зиёли оиладан ва ўқимишли бўлишини хоҳлайди. Иккинчи тоифадагилар йигитининг чиройига қараб кўнгил қўяди. Учинчи тоифадагиларга эса йигитининг зиёли оиладанлиги ёки ҳуснининг унчалик ҳам аҳамияти йўқ, фақат машинаси ва бадавлат хонадонининг фарзанди эканлиги кўпроқ қизиқтиради. Бундайлар келажаги ҳақида кўп ҳам ўйлаб ўтиришмайди. Фақат уларни ёшликда роҳат-фароғатда яшаш ва сўнгги модаларда кийиниш қизиқтиради, холос. Пировардида булар қаттиқ адашишади.

— Сизнинг идеалингиздаги йигит қандай бўлишини хоҳлардингиз?

— Камтарин, зиёли, меҳрибон. Бошқаларни ҳам худди ўзини яхши кўрганидек жондан ортиқ севадиган, қатъиятли бўлишини хоҳлардим. Аммо бундай йигитни ҳозир топиш амримаҳол.

— Дугоналарингиз кўпроқ нима билан машғул?

— Оиламиз Тошкент туманида яшайди. Қишлоқдаги дугоналарим кўпроқ спорт билан шуғулланишяпти.

— Йигитлар қайси иллатлардан воз кечишини хоҳлардингиз?

— Аксарият йигитларнинг сигарет чекиб ўзини катта тутиши ва ярашмаган гапларни айтиб ўтириши менга сираям ёқмайди. Зиёли оиладан чиққанлари ўзини идора эта олади.

— Дарсларга талабалар камроқ қатнашишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Ҳа, битта-иккита талаба дарсларга қатнашмай қўйди. Сабаби, биринчидан, домлалар қаттиққўл эмас. Талабага ўз таъсирини ўтказа олмайди. Иккинчидан, аксарият йигитлар бойлик изидан қувиб кетишган. Бундайлар диплом олиш учун номигагина ўқишади. Келажакда қандай мутахассис бўлишлари унчалик қизиқтирмайди. Бу ташвишли ҳол, албатта.

— Келажакдаги орзуларингиз?

— Инглиз тилини янада мукаммалроқ ўрганиб, "Умид" жамғармасининг йўлланмаси билан Англияда ўқимоқчиман.

Исроил СУЛТОНОВ — иқтисодиёт факультети биринчи курс талабаси:

— Менимча, тенгдошларимнинг кўпчилиги илмга чанқоқ. Сабаби, яқин ўтмишда ёшлар мактаб дастурини ўрганиш билан чегараланиб қолишганди. Ҳозирда бунинг акси, ўқувчи мактабдан ташқари ҳар хил курсларга, репититорга қатнаб, табиий ва ижтимоий фанлар билан бир қаторда инглиз тили ва компьютерни имкон қадар пухта ўзлаштирмоқда. Жамғармалар орқали ҳам ўқувчи хорижда ўқиш бахтига муяссар бўлди. Албатта, ёшлар хорижда ўқиб қайтаётган тенгдошларимизга ҳавас билан қараяпти ва улар ҳам келажакка катта ишонч билан интилмоқда.

Сайфиддин НАФАСОВ — мева-сабзавотчилик ва ўрмон хўжалиги факультети II курс талабаси:

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Кутубхонада соатлаб қолиб кетаман. Шунингдек, ҳар куни "Динамо" залида енгил атлетика машғулотларида қатнашиб, иродамни чиниқтираяпман.

— Вазифаларни бажармасдан университетга борганмисиз?

— Ҳа, бир куни математика фанидан топшириқни бажармасдан борганимда ўқитувчи айнан мендан сўради. Табиийки, мен жавоб беролмаганман. Аммо эсимда қолганларини айтувдим, домла қаноатланмади.

— Қандай жазо қўллади?

— Танбеҳ берди.

— Ўша пайтдаги ҳолатингиз?

— Виждоним қийналди.

— Қайси тилни биласиз?

— Инглиз тилини ўрганаяпман.

Орамиздаги "ўқиганнинг эмас, пулдорнинг замони келди" дегувчилар фикрига унчалик ҳам қўшилмайман. Табиийки, мен уларга яқин юрмайман ҳам. Бундайлар дунёқараши тор, маънавий қашшоқ одамлар ҳисобланишади.

Феруз ЙЎЛДОШЕВ — мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи ишлов бериш мутахассислиги II курс магистранти, "2002 йилнинг энг яхши магистри" танлови ғолиби:

— Сиз яқин кунларда тайёр мутахассис бўласиз. Айтинг-чи, талабалик йилларингизни мазмунли ва фойдали меҳнат билан ўтказдим деб ишонч билан айта оласизми?

— Мен биринчи курсдан бошлаб тил ўрганишга кўпроқ эътибор қаратмай, бўш вақтимни кўпинча яшил майдонда копток изидан қувиш билан ўтказганимга жудаям афсусланаман. Аммо магистрлик даврида ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, инглиз тилини қисман бўлса-да, ўргандим.

— Ётоқхонада яшагансиз. Тенгдошларингизнинг илмга муносабатини синаб кўрганмисиз?

— Уларнинг билимини ўртача деб баҳолашим мумкин. Баъзилари ўқийди, баъзилари эса...

— Домлаларингиз ҳақидаги фикрингиз?

— Айниқса, Владимир Лизуев, Сергей Мажидов, Игорь Белолипов, Саидасрор Ғуломов, Толибжон Турғунов, Абдуғаффор Самадовлар ўз соҳасининг етук мутахассиси эканлигини тан оламан.

— Сизларда дарслар қандай тартибда ўтилади?

— Кўпроқ талабалар маъруза ўқийди, баҳс-мунозараларга бой бўлади.

— Дарсларга қатнашмайдиган талабаларга ҳам диплом бериладими?

— Қийин масала. Бошқа олий ўқув юртларида қандай тартиб бор билмадиму, бизда дарсларга келмаган талабаларга қаттиқ жазо қўлланилади: "Талаба сафимиздан чиқарилади".

"Кўп ўқиганинг билан нимага эришасан" дейишса, тўғриси, хафа бўлиб кетаман. Орамизда илмнинг қадрига етмайдиганлар ҳалиям бир-иккита бўлса ҳам топилади. Бундайлар зараркунандаларга ўхшаб атрофдагиларнинг онгини заҳарлайди.

Рашид АБДУСАМАДОВ — агрономия факультети дончилик йўналиши II курс магистранти:

— Ёшларни қалбан ва руҳан нима яқинлаштиради?

— Самимият, бир-бирига бўлган ишонч ва олдинга интилиш...

— Куйи курсларда нималарни ўрганмаганингиздан афсусланасиз?

— Инглиз тилини ўрганмаганимдан жудаям афсусланаман. Биласиз, чет элда тарих ва тилни мукаммал ўзлаштирганларгина ўқиши мумкин. Афсус, бу бахт менга насиб этмади. Шундай бўлишига қарамасдан ҳозирда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги "Бизнес олами" ўқув марказида инглиз тилини ўрганаяпман ва университетда талабаларга дарс бераяпман. Вақт топилди дегунча кутубхонага бораман.

— Келажакдаги режаларингиз?

— "Ўзбекистон ерларида маккажўхорини кунгабоқар ва соя билан экиш" мавзусидаги илмий ишимни амалиётга татбиқ этмоқчиман.

Дилшод АТАМУХАММЕДОВ — ўсимликларни ҳимоя қилиш факультети II курс талабаси:

— Қайси тилларни биласиз?

— Инглиз тилини ўрганаяпман.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Жуда кўп китоб ўқимайман. Фақат телевизор кўраман.

— Қайси тўгаракка қатнашасиз?

— Қатнашмаяпман. Аммо университетда йигирмадан ортиқ тўгарак фаолият кўрсатаяпти.

Улуғбек ЭРМАТОВ — ўсимликлар карантини II курс магистранти:

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Дарсдан кейин кўпроқ тарихий китобларни мутолаа қиламан. Шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги "Бизнес олами" ўқув марказида инглиз тили ва бухгалтерия курсларида ўқияпман.

— Сизни қизиқиш шу соҳага етаклаганми?

— Бошида қишлоқ хўжалигига унчалик қизиқмасдим. Юқори синфларда ўқиб юрган кезларимда амаким — агроном Ҳожимат Холдоров билан дала айланувдик, даланинг оҳанграбоси мени ўзига қаттиқ боғлаб қўйди. Шундан сўнг агроном бўлишга аҳд қилдим.

— Магистрлик ишингизни ёзиб тугатгандирсиз?

— Ҳа. "Паразит, бегона ўтлар ва уларга қарши кураш" мавзусида... Илмий тадқиқотимга оид мақолаларим ўзбек ва хорижий журналларда чоп этилган. Бундан қаноатланмайман. Келажакдан умидим катта.

Давра суҳбатини Файзулла ЭШҚУЛОВ олиб борди



YOSH OLIMLAR

Халқ хўжалигига фойда

ЙЎЛЛАР СЎҚМОҚДАН БОШЛАНАДИ

Умр бир марта берилади. Ҳаётда қандай из қолдириш эса инсоннинг ўзига боғлиқ. Эзгуликка, яхшиликка эш бўлган инсонлар эл-юртга нафи тегишидан, миллат ташвишида ўз оромидан кечишдан бахт туяди. Умрини илмга бахш этган техника фанлари номзоди Аҳтам Ҳайдаров ҳам шундай олимлардан бири.

Омон ака ўғилларини қатъиятли қилиб тарбиялади. Оилада олтинчи фарзанд бўлиб дунёга келган Аҳтам отаси, акаларининг ҳар бир хатти-ҳаракатидан ибрат олиб вояга етди. У тенгқурларидан ажралиб турарди. Мактабни муваффақиятли тугатиб, пойтахтга отланди. Тошкент Давлат университетининг кимё факультетида ўқиб юрган кезларидаёқ илмга ташналиги учун устозлар назарига тушди.

— Кечагидек ёдимда,— дейди ёш олим талабалик йилларини эслаб. — Устозим, кимё фанлари доктори, профессор Олтин Ёриев докторлик диссертациясини ёқлаганларида иштирок этгандим. Ўшанда истеъдодли кимёгар олимга бўлган ҳурматим илм-фанга эътиқодимни оширган.

Билим ва малакасини ошириш зарурлигини дилдан ҳис этган Аҳтам кўп изланди. У Бухоро Давлат университети умумий ва анорганик кимё кафедрасида изланувчи-тадқиқотчи сифатида фаолиятини давом эттирди. Айни шу даврдан бошлаб "Қоракўлчилик саноати маҳсулотига ва хомашёсига синтетик полимерлар асосидаги композициялар билан ишлов бериш сифатини яхшилаш, технологиясини такомиллаштириш" мавзусида илмий-тадқиқот ишига киришди.

Немис шоири, мутафаккир олим Иоганн Гёте эътироф этганидек: "Билимнинг ўзи кифоя эмас, уни амалда қўллай билиш керак". Аҳтам Ҳайдаров илмий ишини муваффақиятли якунлаш мақсадида 1995 йилда ўзи фаолият кўрсатаётган университетнинг "Юқори молекулали бирикмалар кимёси" йўналиши бўйича кундузги бўлим аспирантурасига қабул қилинди.

Еш олим ўз қарашларини исботлади. Тадқиқот иши "Бухороқоракўл" очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ва Тошкентдаги "Ўзбекистон" чарм ишлаб чиқариш корхонасида синовдан муваффақиятли ўтди. У отаси Омон аканинг ўгитларини бир дақиқа бўлса-да, унутмасди: "Ўғлим, меҳнатни қадрла. Фақат ҳалол бўл, аниқ мақсад йўлида қилинган меҳнат оддий кунларингни ҳам байрамга айлантиради". Ҳа, унинг меҳнатлари, изланишлари, интилишлари зое кетмади. Тунларни тонгларга улаган машаққатлар ўз мевасини бера бошлади.

Олим 1999 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси "Фан ва тараққиёт" илмий-технологик комплекси ҳузуридаги ихтисослашган кенгашда "Териларни ишлов беришга мўлжалланган композициялар яратиш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш" мавзуидаги диссертацияни ҳимоя қилиб, илмий-тадқиқот ишининг биринчи босқичига якун ясади.

— Диссертацияда кўтарилган масалаларга, фойдали илмий таклифларга республикамиздаги таниқли кимёгар олимлар — академик С. Неъматов, профессорлар Р. Тиллаев, Р. Рўзиев, А. Аловитдинов-лар ўз фикрларини билдиришди. Меҳнатимнинг қадр топганлигини дилдан ҳис этдим,— дейди Аҳтам Ҳайдаров.

Мустақиллик шарофати билан мамлакат равнақи, иқтисодиёт тараққиётига фойда келтирадиган тадқиқот давлат аҳамиятига молик масала сифатида баҳоланмоқда. Кенгаш тавсиясига кўра, ўтказилган илмий-тадқиқот натижаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ёш олим Аҳтам Ҳайдаровга техника фанлари номзоди илмий даражасини бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Аҳтам Ҳайдаров олиб борган илмий иш самараси мамлакат иқтисодиётига муносиб улуш қўшиши шубҳасиз. Мазкур илмий иш натижасида биринчи марта тери ва мўйнани ивитиш учун мўлжалланган полимер иштирокида композициялар олишнинг илмий асослари яратилди. Демак, бугунги кунда дунё бозорида рақобатбардош маҳсулотлари билан тан олинган Ўзбекистон қоракўлчилик соҳасида ҳам янги тадқиқот асосида тайёрланган маҳсулотлари билан иштирок этади.

Илм-фан бешиги саналган юртимиз неча-неча даҳоларни, зиёлиларни камолга етказган. Техника фанлари номзоди, доцент Аҳтам Ҳайдаров ҳаёт сўқмоқларидан илмнинг нурли чўққиси сари интилаётган экан, ойдин манзиллар, нурафшон истиқбол ёш олимга ёр бўлсин деб қоламиз.

Валижон ЮСУПОВ,
Бухоро вилояти

BUGUNNING SABOQLARI

Оила бахтли бўлсин десангиз

Сарғайган дала, сариқ шамол, сарғиш чеҳра, сап-сариқ осмон, хуллас буни узоқ давом эттириш мумкин. Сариқ манзараларнинг ичида ҳам эҳтимол турфа хил ранглар мавжудлиги ва дуркун, навқирон ҳаёт ҳукмрон бўлиши мумкинлиги тўғрисида эса негадир кам ўйлаймиз.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Шу сабаб бўлса керак, аввалига кўзларим адашаяпти, деб ўйладим. Яқинлашганим бу ҳовлининг бағри кутилмаган даражада гўзал, ҳатто деворларида тирик гуллар, супасида райҳонлар ўсарди. Мана шу ям-яшил манзара пойтахтдаги 1-болалар мурувват уйига қарашли эди. Остонадаёқ мени ўзининг мурувват эканини сездириб турувчи сохта илтифотлар эмас, чинакам самимий муносабатлар кутиб олди. Ичкарилаган сари кўзларимнинг фикри тасдиқланиб бораверди. Болалар учун махсус спорт заллари, массаж хоналари, мусиқа асбоблари... Бунинг устига, ҳар қандай совуқликлардан ҳимоялашга қодир иссиқ бағирлару, бошларни силагувчи меҳрибон қўллар... Ақлан ва жисмонан заиф болаларни тарбияловчи мурувват уйига эмас, соғлом болаларнинг дам олиш маскани-га келиб қолгандек бўласан, киши.

— Биз бажараётганларимиз фойдали иш, — дейди мурувват уйининг бош врачи Мақсуд Аҳмедов.

Мен идрокимни ҳар қанча титкиламай, ўқув-тарбия ишлари бўйича раҳбар Маҳмуда Исломованинг сал олдинроқ суҳбатлашганимизда айтган ушбу гапларидан ортиқ сўз тополмайман:

—Энагаларимиздан Дилором Усмонхўжаева "Соғлом авлод" орденини олган бўлса, Маъмура Қодирова "Жасорат" медалини олди. Кўнгли яримларни хурсанд қилиш қанчалик савоб иш эканини ва шу ишга қодирлигингизни билган пайтларда ўзингиздан қониқиш ҳис қилиб, қанчалик бахтли инсонга айланишингизни биласизми?

— Ширин сўзга илон инидан чиқади, — гапида давом этади Маҳмуда опа. — Бу болалар ҳам севинишни, хафа бўлишни билишади. Ҳатто соғинадилар ҳам. Шуларнинг соғинишини, шуларга кераклигимни ўйлаб, тобим қочган кунларда ҳам ишга келаман.

Уларга Американинг "CAFE", ООО, "ЛОВ" каби ташкилотлари, "Соғлом авлод" жамғармаси, "Транс-Сервал" қўшма корхонаси, РАСА сингари корхоналар ҳомийлик қилади.

— Келинг, аввал бир воқеа тафсилотини айтиб берай. Яқинда бир аёл бизга чақалоқлигидан асраб олган фарзандини олиб келди. Бола ҳам ақлан, ҳам жисмонан заиф. Шундай бўлса-да, аёлнинг унга қаттиқ меҳри тушган ва турмуш ўртоғининг қистовига қарамай, ундан кечолмаган. Энди аёл касал болани боқиш учун ўзини ҳар ишга уриши туфайли ўзи ҳам соғлигидан айрилган. Бу каби воқеалар жуда кўп бўлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен қочсам, бошқалар ҳам қочса, уларнинг ҳоли нима кечади?

Бернар Дадъенинг: "Биз бахтиёр чоғларимизда ҳаётимизни мангулик билан таққослаймиз, бахтсиз чоғларимизда эса мангуликни ҳаётимизга таққослаймиз", деган сўзлари хотирамга тушаверади. Энди "Қиёмат" асари қаҳрамонининг хаёллари, умрининг сўнгги дақиқасида ҳам ҳаётнинг ширин неъматларига интилган инсон ёдимга тушади ва тушуниб етаманки, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаёт ҳамиша гўзал!



Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

Демак, энг тўғриси — носоғлом болаларнинг дунёга келишига йўл қўймаслик. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

— Болаларнинг носоғлом туғилишига, кўпинча ота-оналар айбдор, — дейди Мақсуд Аҳмедов. — Айрим ҳолларда бу суяк суриши ҳам мумкин. Шунинг учун оила қуришдан олдин суриштириш керак, аждодида бу касаллик билан оғриганлар бўлса...

Заиф болалар асосан, кўп ҳолларда спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилган пайтда бўлиб ўтган жинсий алоқа сабабли туғилади. Аёл кищи тамаки чекишининг ҳам таъсири бор. Бундан иммунитет сусайиб кетади ва бола туғилган пайтда соғломдек кўринса ҳам касаллик аломатлари кейинчалик юзага чиқиши мумкин. Бунинг ҳозирда кўп учрайдиган сабабларидан яна бири эса қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ. Шу қариндошим узоқлашиб кетмасин ёки ўзингникига фарзандингни ишониб топширасан-да, деган гаплар билан қариндошга қиз бериб, қиз оладиган ғалати бир одат бор. Улар ҳар қанча огоҳлантирилса ҳам бу кейинчалик қандай оқибатларга олиб келиши тўғрисида ўйлаб кўришмайди. Бир ҳомиладан кейин организм камида уч йил дам олиши, қайта тикланиши керак. Қолаверса, ҳомиладорлик пайтида она касал бўлса, эътиборсизлик билан ўтказиб юбориш, қаттиқ ҳаяжонланиш, тушкунликка тушиш — буларнинг ҳаммаси боланинг соғлом ривожланишига зарар қилади.

Ҳаммаси ойдинлашгандек, олган жавобларимдан қониққандек бўлдим. Аммо ҳалигина кўзларимни яшнатган яшил манзарани тарк этаётиб, бу ердан юрагимга ғалати туйғулар ортиб чиқаётганимни сезиб қолдим. Унинг залвори чалкаш кўчалар ўртасида тўғри йўлни топа олмай, хуноб бўлаётган сариқ хаёлларимнинг машаққати билан баробар эди.

Айни дамда, кўрганларим ва туйганларимни қоғозга тушириш жараёнида эса хулоса қилиш учун доноларимизнинг: "Касални даволашдан кўра олдини олиш минг чандон осонроқдир", деган ўгитларини яна бир бор эслашдан ортиқ гап тополмадим.

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА,
«Turkiston» мухбири

MENING FIKRIM

Лоқайдлик — огоҳликнинг акси

Лоқайдлик инсон учун кечириб бўлмас иллат саналади. Сабаби, у барча туйғуларни занг каби емириб, инсоннинг шахс сифатидаги қиёфасини батамом йўқотади. Лоқайд одам бора-бора ҳаётдан хафсаласи пир бўлиб, манқуртга айланади дейишади. Биз ёшларнинг шу ҳақдаги фикрларини билишга қизикдик.

ЛОҚАЙДЛИК ФОЖЕАДИР

Нурали ШОДИЕВ, талаба:

— Лоқайдлик бу огоҳликнинг акси ҳисобланади. Инсоннинг тубанлашувига, жаҳолат ботқоғига ғарқ бўлишига сабаб бўлади. Шахс руҳиятидаги бу иллатнинг ривожланиши, ундаги зийраклик, сергаклик каби жиҳатларнинг сусайишига олиб келади.

Саида ҚОРАБОЕВА, талаба:

— Лоқайдликни инсонни ҳалокат сари элтувчи офатга қиёслайман. Баъзи ота-оналарнинг лоқайдлиги натижасида фарзандлари нотўғри йўлларга кириб кетмоқда.

Ёшлар энг катта фожеа ҳисобланмиш гиёҳвандликка берилиб кетишига ҳам айнан лоқайдлик сабаб бўлмоқда.

— Инсоннинг лоқайд бўлиб колишида ташқи муҳитнинг таъсири бўладими?

Азиза ҲАМРОҚУЛОВА, ўқитувчи:

— Ташқи муҳитнинг таъсири бор, аммо бу таъсир бирламчи ва ягона эмас. Ёшларнинг қалбига агар шаън, ғурур ва орият туйғуларини ёшликдан сингдира олсак, қалб бутунлиги юзага келади. Қалби бутун одам бу оламга бефарқ, лоқайд бўла олмайди.

Нурали ШОДИЕВ, талаба:

— Кишидаги барча ижобий-салбий жиҳатлар оила даврасидан бошлаб шаклланади, сўнгра боғча, мактаб даргоҳидаги муҳит таъсирида бу хислатлар ёки иллатлар мустаҳкамланиб боради. Агар инсон яшаётган муҳит ижобий хислатларга бой бўлса, доно бўлиб камол топади. Акс ҳолда, у ютқазиши мумкин.

— Кўчада кетаётиб бир одамнинг жамоат тартибларини бузаётганини кўрдингиз, дейлик. Сиз қандай йўл тутасиз?

Баҳриддин Шайвалиев, талаба:

— Ўша одамнинг афт-ангорига қарардим. Агар у маст ёки шундайлар тоифасидан бўлса, унга гап уқдиришдан фойда йўқ. Аксинча бўлса, уни тўхтатишга ва унга тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Азиза ҲАМРОҚУЛОВА, ўқитувчи:

— Албатта, қандай вазиятда ва қай даражада жамоат тартибини бузаётганлигига боғлиқ. Ҳар ҳолда аёл киши иккита маст-аластнинг ўртасига тушиб, уларни ажратиб қўя олмайди. Бироқ транспортдаги, одобахлоқ, катталарга ҳурмат маъносида бўлса, ўз фикримни ошкора баён қила оламан.

— Лоқайдлик ҳамжиҳатликни йўқотади, дейишади. Бу фикрга қўшиласизми?

Азиза ҲАМРОҚУЛОВА, ўқитувчи:

— Лоқайдлик аввало, инсон шахсини йўқотади. Шахслар шаклланмаган жойда нафақа ҳамжиҳатлик, балки умуман ҳеч нарса бўлмайди.

Саида ҚОРАБОЕВА, талаба:

— Фараз қилинг, сиз лоқайд инсонсиз. "Ўзгалар билан нима ишим бор" деб юрган, бошқаларнинг ғаму қайғусига бепарволик билан қараган инсон қандай қилиб улар билан аҳил бўла олади. Лоқайд инсон ҳамжиҳатликнинг ўзи нима эканлигини билмайди. Шу ўринда Саъдийнинг қуйидаги ҳикматини келтириб ўтмоқчиман. "Сен ўзга кишиларнинг қайғусига лоқайд экансан, демак сен инсон деган номга номуносибсан".

— Ёшларимиз орасида лоқайдлик қай даражада ва ечими қаерда?

Баҳриддин ШАЙВАЛИЕВ, талаба:

— Лоқайдлик ёшлар ўртасида шунча даражада деб айтиш, менимча, нисбий ва нотўғридир. Албатта бу иллат ёшларимиз орасида ҳам мавжуд. Унинг олдини олиш учун ёшлар орасида кўпроқ тадбирлар, учрашувлар ўтказиш ва биргаликда қандай натижаларга эришиш мумкинлигини сингдириш лозим.

Азиза ҲАМРОҚУЛОВА, ўқитувчи:

— Ёшларимиз орасида лоқайдлик, назаримда, у қадар кенг қулоч отмаган. Бу дардга чалинганлар бор, бироқ уларни даволаш имкониятлари кўп. Бу иллатнинг асосий давоси "Камолот"чилар қўлида деб ўйлайман.

Беҳзод БОЗОРОВ тайёрлади

Эрик ФИХТЕЛИУС

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЎН ҚОИДАСИ

(Давоми, боши ўтган сонларда)

Зўраки ёлғон

Баъзан манбаларни ёқлаш учун ёлғон ва бузиб кўрсатишни оқлаш мумкин. Ахборот берувчиларнинг фақат жудаям чекланган доирасига маълум бўлган суҳбат тафсилотларига сизни бағишлай туриб, фош бўлиш таҳдидига учрайди. Ҳамма гаплар мухбирнинг мақоласида келтирилиши ва ишлатилиши мумкинлиги ҳақида ўзаро келишиб олишингизга қарамай, амалиётда бу кўпинча ножоиздир. Негаки, бу манбанинг ошкор бўлишига олиб келиши мумкин. Баъзида, бунга йўл қўймаслик учун репортёр ўз ҳабарида айтилганларни сўзма-сўз етказишдан воз кечади. Ўзим ҳам баъзи маълумотларни ниқоблашимга, ҳаттоки фақатгина манбамга изларини йўқотиш учун яққол ноаниқликлар ва хатолар киритишга кўп марта мажбур бўлганман.

Мабодо манба ва репортёр бир-бирини жуда яхши билишса ёки аъло муносабатда бўлсалар, унда мухбир олган ахборотини ўз ҳамкасбига бергани маъқул. Ана шу мухбирнинг фош этадиган хабар муаллифлигидан бош тортганидир. Гарчи, ўз манбасини ҳимоялашнинг мазкур усули хабар учун шон-шараф ва ҳурматни бошқасига ўтказишга мажбур бўлган репортёрнинг ўзи учун ҳийла азобли бўлса-да, самаралидир.

Мухбир "фон учун" суҳбати шартларига мувофиқ ёзишга ва фойдаланишга ҳақли бўлган ахборотга эгалигига қарамай, манбани ҳимоялаш бўйича талаблар бу ахборот қўлланилишини чеклайди. Репортёр эса муҳим ахборотни оммалаштираётганида эҳтиёткор ва уддабуронлигини намоён қилиши керак. Кўпинча ўз манбасини вазир, ҳукумат девонхонасида юқори лавозимни эгаллаган амалдор, марказий партия раҳбарияти вакили ва бошқалар қиёфасида намоён этиш мутлақо ортиқчадир. Бундай аниқлаштириш гумонлар ва манбани ўйлаб тагига етишга уринишлар учун замин яратади. Агар ҳаттоки, ахборот берувчи – партия раҳбари ёхуд маҳаллий маъмурият бошлиғи ҳам, кўп ҳолларда уни бирмунча ишорасиз, айтайлик, нуфузли манба деб аташ яхшироқ. Албатта, агар гапларнинг муаллифига илова бериш умуман керак бўлганда шундай қилинади. Аммо агар ахборот тақдим этувчи – парламент ноиби бўлса, уни Молия вазирлигида ишлайдиган шахс этиб кўрсатиб, очиқ-ойдин алдамаслик лозим. Бундай ёлғон шунга олиб келиши мумкинки, тор одамлар доираси тамомила асоссиз равишда шубҳа остига тушиб қолади.

Кўпинча манба тақдим этган оғзаки маълумотлар ёки фикр ҳудди ўша мавзудаги оммавий маълумотларни пайдо қилади. Бундай ҳолларда яширин манбани пеш қилишга ҳеч зарурият туғилмайди. Жамоатчиликка тушунарли ҳужжатлар келтирилса бўлгани. Яъни, сизда яширин ахборот берувчидан ҳам маълумотлар борлиги билан мақтанмаслик зарур. Ахир, бу сиз махфийлигини сақлашдан манфаатдор бўлган одамларга нисбатан гумон уйғотиши мумкин-да.

Мухбир доимо хизматдами?

Шундай қилиб, мухбир ўз мақолаларида фойдалана олмайдиган ахборотни манбалардан олмаслиги зарур. Хўш, айтайлик, бир репортёр дўстлари билан зиёфатда тўсатдан меҳмонлардан бирининг қизиқарли, фош этишларга тўла ҳикоясини эшитиб қолса, унда у нима қилиши керак? У меҳмон эса хонада мухбир борлигини билмаса-чи? Болаликдаги дўстингиз сирини яширмай, унинг ишхонасида қандай воқеалар бўлаётгани ҳақида сизга сўзлаб бераётган бўлсачи, унда нима қилмоқ керак? Хизмат тақозосига кўра ёпиқ ахборот билан таниш бўлган қўшни ёки қариндошлардан бирон бири бу ахборотни сиз билан ўртоқлашганида қандай иш кўрмоқ зарур?

Баъзи мухбирлар таъкидлашича, бунга ҳар ким ҳар хил қараркан ва репортёр доимо хизматдами – хизматда бўлиши керак экан. Лекин дўстликнинг ҳам журналистика каби ўз ахлоқ қоидалари бор.

Репортёр бўлиб узоқ йиллар ишлаганим сабабли ушбу масалаларга муносабатим анча вазмин бўлиб қолди. Ўз дўстларини сотиш керак эмас. Қариндошлик ёки дўстона муносабатлар мухбирни шундай вазиятга тушириши мумкинки, у топшириқни холисона бажара олмайди. Шунга чуқур ишончим комилки, репортёр ўз шахсий ҳаётидаги айрим лавҳаларда маълумотлар билан ишлашдан ихтиёрий равишда воз кечиши лозим.

Ишонч яратиш

Махфий ахборот манбалари билан ишлаш нозик масала. Бу иш мухбирдан худди дарбозларга ўхшаб мувозанатни сақлашни талаб қилади. Манба билан муносабатлар бетакаллуф бўлиши мумкин эмас. Айни вақтда, агар сиз ишонч муҳитини яратмоқчи бўлсангиз, бу муносабатлар ҳаддан ташқари совуқ ҳам бўлмаслиги даркор. Ўз шахсини яширишни ният қилиб маълумотлар берган одам мухбирга ишонч билдирган бўлади ва ўзини ошкор бўлиш хавфи остига қўяди.

Ахборот тақдим этувчи мухбир олган маълумотларидан унинг ошкор бўлишига олиб келмайдиган тарзда фойдалана олишига ишониши керак. Шунингдек, ахборот берувчи, репортёр зарурият туғилган чоғда ўз маънавий бурчига содиқ қолган ҳолда уни ҳимоя этиш учун ҳамма нарса қилишга асосли умид боғлаши керак. Маънавий мажбуриятлар қонунда кўзда тутилмаган-да. Улар - манба ва мухбир ўртасидаги ишончли муносабатлар натижасидир. Ўз навбатида мухбир ўзига ҳаққоний ахборотни етказаётганларига ва айёрлик қилмаётганларига ишониши учун асослари бўлиши лозим. Бундай вазиятда репортёр ва манба ўртасида ўзига хос алоқа ўрнатилади. Баъзан мухбир ишончга сазоворлиги нуқтаи назаридан қараганда бироз шубҳа уйғотиши мумкин. Ахир, охир-оқибатда, икки тараф демократик жамиятда ўз ўрни ва вазифаларини англаб етиши зарурлиги ҳақида гап кетаяпти-ку.

Мухбир ўз манбаларига жиддий эътибор бериши зарур. Хусусан, бу шуни билдирадики, у манбалар билан мунтазам алоқани сақламоғи ҳамда ўзига тақдим этилган маълумотлар қандай фойдаланилгани хусусида уларга хабар бериб туриши лозим. Репортёр манбадан олинган маълумотларга асосланган хомаки мақола ёйинки сюжет матнини нусхасини телефонда ўқиши ёки жўнатиши мумкин. Агар репортёр ва ахборот берувчи маълумотлар кўрсатилган муддат эртароқ эълон қилинмаслиги ҳақида келишган бўлсалар, мухбир сўзининг устидан чиқиши шарт. Ҳатто рақобатчилар ундан ўзиб кетишлари хавфи бўлса ҳам.

Ўз манбасини муҳофаза қилишнинг яна бир усули – олинган маълумотлар тасдиғини ўзга манбалардан ёхуд расмий, жамоатчиликка очиқ ҳужжатлардан излашга ҳаракат қилишдир. Агар ахборотни бошқа йўл билан топиш мумкин бўлса, яширин муаллифни мисол қилиб олишга зарурият туғилмайди. Мақола эълон қилинганидан сўнг манба мухбирнинг яширинликни сақлаш ҳақида берган ваъдасида турганини кўриб, ўзини эркин ҳис этади. Яширин манбадан олинган маълумотлардан қандай фойдаланаётганини мухбир манба эгасига очиқчасига айтиб бериши яхши. Аммо бунда мухбир одамга бошқа манбалардан ҳам фойдаланаётганини зинҳор ошкор этмаслиги зарур.

Манбаларга танқидий муносабат

Ўз манбасини ҳимоялаш усулларидан бири янгиларини орттиришдир. Бу нафақат маълумотларни текшириш ва эҳтиёт чора кўриш имкониятлари учун, балки манбани ўзини хавфсизлантириш учун ҳам яхшидир. Агар мухбир мавзу устида ишлай туриб, бир неча хабардор шахслар билан суҳбатлашса, унда уларнинг аксарияти хатто агар улар жуда камгап бўлса-да, айнан ўзларини ахборотнинг илк манбаидек тасаввур этадилар. Янгилик эълон қилинганидан сўнг мухбир суҳбатлашган одамларнинг кўпчилиги ким буларнинг ҳаммасини сўзлаб бергани устида бош қотиришади. Уларнинг ҳар бири ўзидан гумонсирамасликлари учун вақтинча шахсларини яширадилар.

(Давоми бор)

Фарҳод РЎЗИЕВ ва Абдуқаюм ПАРДАЕВ таржимаси

QILMISH-QIDIRMISH

Меҳнатсиз бойлик топишга бўлган иштиёқ

ТУНГИ ШАРПА

Тиқ этган товушдан уйқуси бўлинган Юлдуз ланг очиқ турган деразага қараб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Кейин кўнглига келган нохуш фикрдан хавотирланиб, эрини туртди:

—Дадаси, деразани сиз очиб қўйдингизми?

—Туш кўряпсанми?- уйқу аралаш тўнғиллаб қўйди Баҳодир.

Шу пайт Юлдуз ғира-шира ёруғда хона тўридаги сандиқ ёнида бир шарпа қимирлаганини сезиб қолди:

—Вой, онажон!

Хотинининг чинқиришидан уйғониб кетган Баҳодир ҳали нима гаплигини англаб етмасиданоқ бошига теккан темир зарбидан жойига ўтириб қолди. Иккинчи зарба Юлдузнинг бошига тўғриланган эди, лекин у чаққонлик билан ўзини ҳимоя қилди. Баҳодир яна қўзғалганида темир кўкрагини, оёқларини "силаб" ўтди. Шундай бўлса ҳам у ўғрини таниб қолиш учун жон-жаҳди билан унинг оёғига тармашди. Ўғри бир амаллаб Баҳодирнинг чангалидан чиқиб, ўзини кўчага урди. Аммо уй эгаси унинг кимлигини таниб қолганди.

Ярим тунда уйқуси қочган Лазизжон анча вақт шифтга термулиб ётди. Кейин тўсатдан қўшнисининг яқинда қорамол сотгани ёдига тушди-ю, шу пулни ўмариш режасини туза бошлади. Калласига бирор жўяли фикр келмагач, таваккалига ўтди. Қўлига темир, пичоқ олиб кўчага чиқди.

Ўзбекларда бир одат бор: топганини тугиб сандиққа солади. Лазизжон ҳам айнан сандиқни мўлжаллаган эди, лекин сандиқ устидаги тугунлар ишини чиппакка чиқарди. У қочиб узоққа боролмади. Эгнидаги коржома уни аллақачон тутиб берган эди.

Хўш, ўсмир нега жиноятга қўл урди? Уни бу йўлга бошлаган нима? Албатта, бунда тарбияни бўшаштириб юборган ота-онанинг асосий айбдор саналиши, табиий. Қолаверса, Лазиздаги меҳнатсиз бойлик топишга бўлган иштиёқ уни шу кўйга солмадимикан?!

Бола тарбияси ота-она учун асосий масала бўлиб қолмоғи шарт. Арзимаган бепарволик ҳар қандай ўсмирни эртага мана шундай аҳволга солиши мумкин. "Бирни кўриб фикр қил"... деган нақл бекорга айтилмаган. Зеро, ҳали ўсмирлик остонасидан узоқлашмаган Лазиз Элмуродовнинг бу қилмиши барча учун сабоқдир.

Содиқ ЙЎЛДОШЕВ, адлия кичик маслаҳатчиси

ISLOHOT ODIMLARI

Ёшлар учун шарт-шароитлар

ЮТУҚЛАР КЎП, АММО

ҚИЛИНАЖАК ИШЛАР ҲАМ ОЗ ЭМАС

Бекобод шаҳри мамлакатимизнинг йирик саноат шаҳарларидан саналади. Унда 34 мингдан ортиқ киши истиқомат қилиб, аксариятини ёшлар ташкил қилади. Шаҳарда 17 та мактаб, 6 та коллеж, 16 та болалар боғчаси, 6 та қурилиш корхоналари ва 9 та саноат корхоналари мавжуд. Шулардан "Ўзметкомбинат" ва "Бекободцемент" йирик корхоналар ҳисобланади. Биз "Бекободцемент" ҳиссадорлик жамиятининг иш фаолияти, у ердаги ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлари билан танишдик.



—"Корхонамизда 1700 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Шундан 670 нафарни ёшлар ташкил этади. Бу ерда асосан цемент, шифер ҳамда азбест қувурлари ишлаб чиқарилади", — дейди биз билан суҳбатда "Бекободцемент" ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари Ғиёс Миркомилов. — Ишлаб чиқаришда 2000 йилга нисбатан 104,8% ўсиш суръати бор. 2001 йилда 500 минг тонна цемент ишлаб чиқариш режада бўлса, 520 минг тонна ишлаб чиқарганмиз. Режани 107% бажарганмиз. Шифер 100%, азбест қувури ишлаб чиқариш эса 119,2 фоизга бажарилган. Ишхонамизда ойма-ой иш ҳақи бериб борилади. Гап келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, "Ўзуйжойжамғарма" банки Бекобод филиалининг ҳам нақд пул билан таъминлашда хизмати катта. Ўртача иш ҳақи 35-40 минг сўмни ташкил этади.

—Хомашёни қаердан оласизлар?

—Хомашёни Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги "Карбонат" ҳиссадорлик жамиятидан олаяпмиз.

—Маҳсулотни сотиш қийин кечмаяптими?

—Маҳсулотимизнинг асосий қисмини республикамизга ва қўшни Тожикистон, Туркманистон республикаларига экспорт қиламиз. Бундан бир неча йил илгари корхона инқирозга юз тутганди. Қисқа муддатда барчаси ортда қолди. Республикада тозалик бўйича кўрик-танловда биринчи ўринни олдик. Ишчиларимиздан Орзиқул Бердикулов, Омина Ҳасановалар "Шуҳрат" медали соҳиби бўлишди. Владимир Кузнецов эса "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими" унвонига сазовор бўлди. Уч нафар ходимимизга корхона ҳисобидан уй олиб бердик. Бундан ишчиларимизнинг қувончи чексиз. Мен доимо бир шиорни таъкидлайман: ишчиларимизнинг уйи тинч, болалари омон бўлса, шундагина хаёли ишда бўлади. Корхонанинг ҳудуди 43,6 гектарни ташкил этади. Шунинг беш гектар жойини боғ қилиб, беҳи кўчатини экдик. Тагига эса кўриб турганингиздек, буғдой экканмиз. Ўтган йили шу ернинг ўзидан уч тонна буғдой олиб корхонамиз ошхонасига бердик. 150 ўринли ошхонамизни таъмирладик. Ишчиларимиз ҳар куни шу ернинг ўзида чек асосида овқатланадилар. Ишчиларимизни махсус иш кийимлари билан таъминладик. Шаҳарнинг учинчи даҳасида милиция таянч пункти қуриб бердик. Икки маҳалла орасида 400 ўринли чойхона, ишчилар учун 250 ўринли Маданият саройи қуриш ниятидамиз.



Шаҳримиздаги тез тиббий ёрдам бўлинмасига уч дона "Дамас" машинаси олиб бермоқчимиз.

Шунингдек, янги иш ўринлари ташкил этиб, 20 та хотин-қизларимизни иш билан таъминладик, улар ишчи-ходимларимизга махсус иш кийимлари тикиб бермоқда. Хулоса қилиб айтганда, ютуқларимиз кўп, аммо қилинадиган ишлар ҳам кам эмас. Буларнинг бари ишчиларга берилаётган эътиборнинг дастлабки маҳсули. Ўйлаймизки, кейинги натижалар бундан-да юқори бўлиб, республикамиз иқтисодига тегадиган нафи янада ортади.

Эркин САИДОВ, «Turkiston» мухбири

BANK VA ISLOHOT

Барча қулайликлар яратилган

2001 йил якунларига назар ташлайдиган бўлсак, кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари янада тезлашганини гувоҳи бўламиз. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг ўзида 2,4 марта ошди. Натижада кичик ва ўрта бизнеснинг ички бозордаги ҳиссаси 24,5 фоизни ташкил этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун мамлакат иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 53 фоиздан кўпроғи кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда, умуман, мамлакатимиз иқтисодиётида банкларнинг ўрни беқиёсдир. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Фарғона бўлими Қўқон филиали сўнгги йилларда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни янада кучайтирди.

Банк филиали бугунги кунда ўзининг "Қўқон ёғ-мой" ҳиссадорлик жамияти, "Мастона" ҳиссадорлик жамияти, "Қўқонозиқ овқаттаъминот" шўъба корхонаси, "Барака-ОО" жамоа корхонаси, "Кокмалният" Ўзбек-Малайзия қўшма корхонаси каби бир қатор йирик мижозларига эга.

Банкнинг самарали фаолият юритаётганини мижозлар сони ва сифати ортиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин. Мисол учун 2001 йил бошида 3 минг 629 нафар мижозга банк хизмати кўрсатилган бўлса, бугунга келиб мижозлар сони 5 минг 825 нафарни ташкил этмоқда, яъни банк мижозлари сони тўхтовсиз ортиб бораётир.

Банк филиали томонидан 2001 йил мобайнида берилган кредитлар миқдори 2 миллиард 30 миллион сўмни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, берилган кредитларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш учун ажратилмоқда. Бугун банклар олдига фақатгина кредит ажратиб, тадбиркорликни риволантириш масаласи эмас, балки берилган кредитлар ҳисобига янги иш ўринларини яратиш масаласи ҳам қўйилаётир.

Тўғри, банк ўз маблағларини савдо-сотиққа йўналтирса, кредитларнинг қайтиши тезлашади, лекин янги иш ўринлари кам яратилади. Банкнинг Қўқон филиали эса ўз кредитларини, асосан ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирмоқда.

Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратган кредитлари 2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, 769 миллион 247 минг сўмни ташкил қилди, унинг 702 миллион 758 минг сўми қисқа муддатли кредитлардир.

Банкда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишни кучайтириш ҳамда савдо, хизмат кўрсатиш корхоналари нақд пулларини инкассацияга жалб қилиш ишлари кучайтирилмоқда. Доимий тушумга эга бўлган ташкилотлар тушум пулларини тўлалигича банк кассасига топширилиши устидан назорат ўрнатилган.

2002 йил биринчи чораги учун касса режаси 3 миллиард 511 миллион 200 минг сўм бўлиб, ҳақиқатда 3 миллиард 897 миллион 910 минг сўмга етказилди, режа 110,9 фоизга бажарилди.

Натижада, банк почта ва алоқа хизмати ташкилотларига ўз вақтида нафақа ва бошқа пулларни етказишни барқарорлаштирди. Банк филиалида банк ва мижоз ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Мижозларнинг банк хизматларидан фойдаланишлари учун барча қулайликлар яратилган. Жумладан, банкда юридик шахсларнинг хорижлик ҳамкорлар билан ишлаши яхшиланди. Мижозларга ҳамкорлари билан самарали ишлашлари учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда, ҳисоб-китоб ишларининг тартибли олиб борилиши алоҳида назоратга олинган.

Ҳозирги рақобат жараёнида банк мижозлар билан ишлаш усулларини доимо яхшилаб бориш учун тобора кўпроқ янги ва наф берадиган хизматлар кўрсатиши лозим. Банк филиали томонидан янги тўлов воситаси бўлган сўм-пластик карточкалари ва халқаро VISA пластик карточкалари фаолиятини йўлга қўйди. Пластик карточкалардан фойдаланувчи мижозлар сони бугунга келиб 1 минг 500 нафарга етди. Бу ҳам алоҳида янги банк хизматларига талаб ортиб бораётганини кўрсатади.

Банк жорий йилда кредит сиёсатини янада такомиллаштириш асосида ўз мижозларини, айниқса, кичик ва ўрта тадбиркорларни кредитлашнинг янги йўналишлари устида ишлаш, активларни жойлаштиришнинг самарали усулларини қўллаш, мижозлар доирасини кенгайтириш, аҳоли маблағларини жалб қилишни кўпайтириш, янги банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш, банк филиали капиталини ўстириш ва юқори фойдага эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Нодиржон ЮСУПОВ, «Turkiston» мухбири

QANDAY KITOB O'QIYAPSIZ?

Ёшларга акс таъсир қилиши табиий

ВАҚТИНГИЗ БЕҲУДА ЎТМАСИН

Инсон маънавий дунёсини бойитишда китобларнинг ўз ўрни бор. Ҳар биримиз болаликдан китоб ўқиб дунёқарашимизни шакллантирамиз. Ҳар бир асар ўқувчининг руҳиятига, маънавиятига таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бизнинг адабиётимизда шундай асарлар яратилганки, уларни ўқиган киши инсонийликни, соф муҳаббат, самимийлик, энг муҳими эса ҳаётнинг нималардан иборат эканлигини атрофлича билиб олади. Лекин ҳеч кимга сир эмаски, китоб расталарида пайдо бўлаётган баъзи бир китоблар ёшларга салбий таъсир ўтказяпти. Бундай асарлар бошдан-оёқ қаллобликлар, фаҳш ва турли маишат саҳналаридан иборат. Бунақа китоблар ўқувчига, айниқса дунёқараши эндигина шаклланиб келаётган ёшларга акс таъсир қилиши табиий. Китобдаги қаҳрамонлар ҳаётига, уларнинг енгил-елпи пул топишига ҳавас қилмайдиган ёшлар йўқ, деб ўйлайсизми? Тўғри, тушунган ўқувчи бу асарлардан ўзига яраша хулосалар чиқариб олиши мумкин.

Афсуски, ўз навбатида бу каби айрим китоблар кўплаб ўғил қизларнинг бўш вақтларида овунчоқ вазифасини ўтаяпти, холос. Кечириб бўлмас иллатлардан ҳисобланадиган фоҳишабозлик, турли хил зўравонликлар, баъзи бир қизларга одат бўлган спиртли ичимликлар ичиш, сигарет чекиш каби қандай масалалар ҳақида кўп куюниб гапиряпмиз. Бу ишларнинг олдини олиш борасида бир қанча тадбирлар ўтказиляпти. Шундай иллатларнинг вужудга келишида юқоридаги каби китобларнинг ҳам салбий ҳиссаси бор-ку? Шундай эмасми?

Улуғбек АСРОРОВ

МАЙ ОЙИНИНГ БЕТАКРОРЛИГИ

Маълумки, сўлим баҳор фаслининг сўнгги, май ойида она табиат қайтадан жонланади, қушлар ин қуриб, тухум қўяди. Янги полопонлар, турли хил гиёҳлар, ҳамда қирадирлардаги яшил ўтлар ёруғликни кўради. Айнан мана шу жиҳатлари сабаб, қадим Юнонистонда мазкур ой баҳор ва ўсимлик ҳомийси бўлмиш Мая шарафига аталган. Бу афсонавий ном лотинчада "улғайиш", "ўсиш" деган маъноларни англатади. Ўшанда қадимги римликлар 15 майга қадар гуллар байрамини нишонлашган. Қизлар ўзларининг энг чиройли кийимларини кийиб, турли хил гуллар билан уст-бошларини безатишган ҳамда бу базмда "май маликаси" номини олишга ҳаракат қилганлар. Май ойининг тимсолий гули сифатида эса дўлана гули ва нилуфар қабул қилинган. Зумрад тош эса май ойининг махсус тоши ҳисобланади. Ушбу ойда нишонланадиган байрамларга келсак, 1866 йилдан бери АҚШда ойнинг охирги душанбаси Хотира куни, ойнинг иккинчи якшанбаси эса Оналар куни, 17 май — Норвегияда Конституция куни, 9 май — Ўзбекистонда Хотира ва қадрлаш куни ва бошқа шу каби оммавий тантаналар нишонланиб, инсонларга чексиз шодлик улашиб келмоқда.

Рустам СУЛАЙМОНОВ

МАРДЛАР БАҲСИ

15 май куни Нуротада ёш чавандозлар ўртасида "Turkiston" газетаси совриниучун "улоқ-кўпкари" мусобақаси ўтказилади

Халқимизнинг азалий спорт ўйинларидан ҳисобланган улоқ-кўпкарига 2001 йилда халқаро миқёсдаги спорт мақоми берилди. Шу боис унинг Халқаро федерацияси тузилиб, айни кунда янги қоида асосида мусобақалар ўтказилиб, от спорти ишқибозларини қувонтирмоқда.

Маълумки, кўпкари марди-майдонлар баҳсидир. Айтиш жоизки, собиқ иттифоқ даврида миллий қадриятларга айтарли аҳамият берилмаган. Истиқлол шарофати туфайли улоқ-кўпкари ҳам қадриятларимиз қаторида тикланди. Жумладан, Навоий, Тошкент, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё вилоятларидаги улоқчи-чавандозлар ўз бедовларига меҳр қўйиб, парваришни бошлаб юборганлиги ҳукуматимизнинг бу соҳага қаратилган катта эътиборидан дарак беради.

Биз буни соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб Пахтачи туманида, 1997 йилда "Ватанпарвар" газетаси совриниучун Челак туманида, 1998 йилда Навоий вилоятининг Хатирчи туманида "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишлаб ҳамда 1999 йилда "Малик Работ" ва "Сардоба" ёдгорликлари теграсида ўтказилган нуфузли улоқ халқаро турнирлари республика миқёсида ўзига хос тарзда ташкил этилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон от спорти федерацияси, "Улоқ" федерацияси, ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги улоқ, кўпкарининг халқаро миқёсга чиқишида жуда катта ташаббус ва фидойилик кўрсатганлиги бу спортни ривожланишида пойдевор ҳисобланади.

Биринчидан, халқаро қоида мақомига кўра, чавандозлар кўпкарига ўзини илгаригидек оломон-тўдага урмасдан, балки маълум жамоага бирлашиши талаб этилади.

Иккинчидан, ҳар бир жамоадан 10 нафардан улоқчи чавандоз сараланиб олиниб, терма жамоа ташкил этилиб, унинг раҳбари сайланади.

Кўпкари мусобақасини замонавий тарзда катта ҳакам ва унинг икки ёрдамчиси ҳамма мусобақанинг бош ҳаками бошқариб боради. Мусобақа бошланишига қадар Низом асосида отчопар майдонини мусобақага тайёрлаш, спорт шиорлари билан безаш, овоз узатгичлар билан таъминлаш, секундант ва ҳакамларнинг фаол иштирокини таъминлаш мусобақа коменданти раҳбарлигида амалга оширилади.

Нурота туманидаги янги отчопарда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Turkiston" газетаси совринига бағишлаб ўтказиладиган "Улоқ" мусобақаси, ўйлаймизки, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бундан ташқари, келажакда олимпия ўйинлари сирасига кирувчи бу спорт турини қишлоқ ёшлари ўртасида оммавийлаштиради.

Ўткир ПЎЛАТОВ



TENGDOSHLARIMGA SAVOL

Ўзбек қизларига хос бўлган садоқат, ор-номус

ЮБКАНГИЗ НЕГА ЙИРТИҚ?

Баҳор келиши билан ҳар биримиз фаслга муносиб тарзда кийина бошлаймиз. Лекин кийиниш борасида баъзи қизларимиз "ўзгача" маданиятни намоён этишмоқда. Қачон, қаерда бўлишингиздан қатъий назар, европача кийинган ўзбек қизлари эътиборингизни тортади. Ахир, бетакрор гўзаллик бера оладиган узун сочларини қирқиб, калта ва юпқа кийимларга ўтиб олган "гўзаллар"га ким ҳам қарамайди, дейсиз? Миллийлигимизни ўзида мужассам этган қизларимиз талайгина, лекин айрим "маданиятли" қизларимиз атрофдагиларда салбий фикр уйғотмоқда. Кўпчилик қизларнинг фикрича, шундай кийиниб юриш маданиятнинг "замонавий" кўриниши экан. Тўғри, кишиларнинг онги, тафаккури ўзгариб борган сари, маданият тушунчасида ҳам ўзгаришлар юз бериши табиий. Бироқ, ўзгаларга кўр-кўрона эргашиб, "рўмол ўраш" маданият ҳисобланмаса керак? "Ажойиб" маданиятни имкон қадар намоён қилаётган "замонавий" қизларимиздан ўсиб келаётган ёш авлод қандай ўрнак олиши мумкин? Вояга етиб келаётган қизлар, эртага ўзларини булардан-да тўлиқроқ намоён этмаслигига ким кафолат бера олади? Ўзбек қизларининг барча хислатларини мужассамлаштирган миллий кийимларимиз ҳозирга келиб маданиятсизлик белгиси бўлиб қолдими? Асрлар давомида сайқалланиб келган миллий урф-одатлар, ўзбек қизларига хос бўлган садоқат, ор-номус, шарқона гўзалликдан буткул кечиб бўладими? Ҳар қандай шароитда ҳам миллийликка асосланган маданиятимиз ўзга халқлардан ажралиб туришимизни таъминловчи асосий омиллардан эмасми? Мадомики шундай экан, одат тусини олаётган бундай "маданият" хусусида ҳам жиддийроқ ўйлаш вақти аллақачон етган.

Алижон ХАЛИЛОВ, талаба

«TURKISTON» QALDIRG'OCHLARI

ДУНЁЛАРДАН ҚИЗҒАНГАНИМ

СЕВГИЛИМ

Севгилим, сиз билан танҳомиз, якка,
Нигоҳлар сўроқлар бир-биримизни.
Сингиб кетдик атай мунгли юракка,
Излашди дунёдан биз - иккимизни.
Севгилим, о, менинг саришта гулим,
Покликка ўралган қалбингиз - баҳор.
Сизни ҳовучимда мен асраб юрдим,
Икки кўзингизда икки дунём бор.
Севгилим, асралган куйлар авжида
Сизга ошкор этай армоним охир.
Ишонинг, ранжитманг, нозикдир жуда
Кўнгил парчасидан яралган Зоҳ-ҳир...

ЖИМЖИТЛИК БАЗМИ

Жим... Юрагимга ғамлар кўчирдим,
Энди севинчларим бўлдилар унут.
Кулгу, табассумин лабдан учирган
Ягона фариштам, сирдошим сукут.
Жим... Жим...
Энди шодликлардан сўзламанг атай,
Сочилган туйғулар энди бир тугун.
Сонсиз севинчларни бозорга сотай,
Ўргандим жимгина яшашни бугун!
Жим... Жим... Жим...

ҚИЗҒАНИШ

Сизни дунёлардан қизғанганим рост,
Тилагим - ягона орзуга етай.
Сонсиз юлдузларни соғинганим рост,
Тўлин ой бағрига жим сингиб кетай.
Кўзимнинг қаърига дўл-ёмғир бўлиб,
Сочилган маржондек тўкилсин дунё.
Саробдан, захобдан бу кўнгил тўлиб,
Тушларга айланиб қолсайди рўё.
Фалакдан бўҳтонлар ёғилиб сим-сим,
Кун келиб заққумга осилар дорлар
Ва бу дор остида узоқ турар жим
Сен... Мен...
Ва кераксиз бўлган ағёрлар.

КЕЧИККАН БАҲОР

Орзуманд кўнглимга яна ишқ солиб,
Ўзининг йўлига бошлайди. Ва лек
Кузда қўйиб кетган тугунин олиб,
Баҳор келақолмас кўзёшларимдек.
Юзимни бир таниш тўлқинда силаб,
Юпанчлар, овунчлар еткизар шамол.
Куртакларни яшил сурмадан ҳўллаб,
Юракдан қорларни кеткизар шамол.
Висол водийсидан бир эпкин елди,
Орзум ғунчалари нечун хазон, хор?
Ҳайқириб дунёдан сўрагим келди:
"Нечун келмай қўйди қалбимга баҳор?"

Муҳаббат ЗОҲИР, Бухоро Давлат университети талабаси

КУЛГИ БЕРАТИ

— Отахон, очиғини айтаман, ё ичишни ташлайсиз ёки кўздан ажраб кўр бўлиб қоласиз. Ўзингиз танланг, — деб огоҳлантирди шифокор.

— Болам, мен кекса одамман. Назаримда, кўрадиган нарсанинг ҳаммасини кўриб бўлдим, шекилли.

* * *

Поездда кетаётган бир йигит ҳафсала билан сақич чайнаяпти. Рўпарасида ўтирган одам унга хижолат бўлиб дебди:

— Бунинг ҳаммасини менга бекорга гапираяпсиз. Барибир эшитмайман, қулоғим яхши эшитмайди.

* * *

— Жуда ташвишда қолдим. Эрим ҳеч қачон ишдан бунчалик кеч қолмасди. Биронта хуштор орттирдимикин?

— Вой, қўшни, нега дарров ёмон хаёлга борасиз? Эҳтимол, машина босиб кетгандир.

Рустам СУЛАЙМОНОВ тўплади

А.ҲАКИМОВ чизган расм

— Ойи, нега ановилар кўчада туриб бет-юзидан ўпишишаяпти?

— Уларнинг бети йўқда, болам.

YOQIMLI ISHTAHA

МАЙИЗЛИ КЕКС

Керакли масаллиқлар:

1/4 стакан ун, 1 стакан шакар, 200гр. маргарин, 3-4 та тухум, 2 ош қошиқ майдаланган ёнғоқ, 100.г. майиз, сода.

Юмшатилган маргарин шакар билан кўпиртирилади. Унга биттадан тухум солиб, кўпиртиришда давом этасиз. Кейин қолган ҳамма масаллиқларни солиб аралаштирасиз. Ёғланган қолипга хамирни солиб, духовкада ўрта оловда 45-50 дақиқа пиширасиз. Кекс совигач, қолипдан олиб, кесиб, дастурхонга тортишингиз мумкин. Ёқимли иштаҳа!

НИЛУФАР

ТВОРОГЛИ, ЁНҒОҚЛИ БИСКВИТ

Керакли масаллиқлар:

200г. маргарин, 200г. шакар, 6та тухум, 200г. творог, 100г. ёнғоқ, 30г. янчилган бисквит ёки печенье

Маргарин, шакар, тухум сариғи ва творог яхшилаб аралаштирилади. Унга майдаланган ёнғоқ, печенье ва кўпиртирилган тухум оқи қўшилади. Тайёр хамир духовкада ўрта оловда пиширib олинади. Совиган пирог устига шакар упаси сепилади ва кесиб, дастурхонга тортилади.

Наргис ҚОДИРОВА

Газетанинг навбатдаги сони 18 май, шанба куни чиқади

СКАНВОРД



Тузувчи: Холхўжа БАДИЕВ

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 5-ўрта мактаб томонидан Багманян Давид Генадикович номига 1997 йилда берилган № 085888 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Халқ хўжалиги институти томонидан 1983 йил Исмоилова Дилфузахон Мухтаровна номига берилган КВ №808131 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Технологик коллеж томонидан 1999 йил Тохтаева Шодия номига берилган O'R-AN№572697 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный диплом №833699 об окончании Ташкентского государственного университета выданный в 1981г. на имя Касимовой Венеры Махкамовны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Turkiston

МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.

Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 21.00

1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Файрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — *Термиза:* 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — *Бухорода:* 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — *Гулистонда:* 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — *Фарғонада:* 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича — *Самарқандда:* 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — *Урганчда:* 8-362-22 — 7-45-
Наманган вилояти бўйича — *Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70*

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Навбатчи муҳаррир: Воҳид БОЙМУРОДОВ **Саҳифаловчи:** Нодирбек ОРТИҚОВ